

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
Ўрта Махсус Таълим Вазирининг
2016 йил "6" APRIL даги
134/сонли буйруғи билан
таъинланган.

Рўйхатга олинди
№ MDL-4
2016 йил



“ҚОНЧИЛИК ИШИ”

Йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-ўқувчи бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашишнинг 2016 йил декабрдаги 2 - сонли баённомаси билан маъқулланган

Тузувчилар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, то.ф.и., доц. В.Топилдиев.

“Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолеева, ўқитувчи И.А.Эшмаматов.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модули: ф.м.ф.н., доц. Х.Холмедов, кат. ўқит. В. Ҳамидов, ўқитувчи Т.Шаймардонов.

“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат. ўқит. У.Г.Гисова.

“Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, то.ф.и. Х.М.Алимов, п.ф.н.

Махсус фанлар бўйича: Хорижий эксперт Эдров Ветхерелт (Англия)

Ишчи гуруҳ: т.ф.д., Ў.Ф.Носиров, доцентлар: С.С. Саййидқосимов, Г.М. Мирсанов, Умарова И.К, т.ф.н. Н.Х. Сагатов, Т.Г.Ақбаров, катги ўқитувчи Ш.Қ.Рахмонов

Хорижий эксперт: Эдров Ветхерелт (Англия)
Ўзр фа академик, г.- м.ф.д., профессор Х.А.Ақбаров

Таърихчилар:

Ўқув дастури Тошкент давлат техника университетини Кенгашишнинг қарори билан таълим қисмига тасвир қилинган (2016 йил _____ даги - сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон фармонидаги устивор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмунини олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва конунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизини илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмунини, сифатини ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий таълим жараёнидан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалалардан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик ҳужжатлари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Соҳа фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация

технологияларини қўллаш

- 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.
- 3.2. Соҳадаги ахборот-коммуникация технологиялари.

IV. Амалий хорижий тил

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.
 - 5.2. Техникада тизимли тахлил асослари.
- ## VI. Махсус фанлар
- 6.1. Кончилиқда инновацион маркшейдерлик хизмати.
 - 6.2. Фойдалли қазилма конларини казиб олишда истиқболли йўналишлар.
 - 6.3. Фойдалли қазилмаларни бойитишда истиқболли йўналишлар.
 - 6.4. Кончилик машина ва комплекслари.

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Қурениннг максали ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш қурениннг максали педагог кадрларининг ўқув-тарбиявий жараёнларини юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратининг доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Қурениннг вазифаларига қуйидагилар кирали:

- **“Кончилик иши”** йўналишида педагог кадрларининг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- **“Кончилик иши”** йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Қурс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетентияларга эга бўлишлари талаб этилади:

- ер казирини муҳофазалаш ҳамда кончилик ишларини беҳатар олиб боришнинг маркшейдерлик таъминотини;
- кончилик ишлаб чиқаришда технология ва техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичларини;
- кончилик соҳасидаги инновацияларни;
- фойдалли қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш асосларини;
- кончилик саноатида қўлланиладиган кон, транспорт, тургун машина ва жиҳозлари тенденцияларини, уларнинг назарияси ва ҳисоблаш асосларини билиши керак.

Тингловчи:

- қарьер ва рудниклар ишлаб чиқариш қувватларини ва кон лахмлари кесми юзаларини аниқлаш;
- фойдалли қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш;
- кончилик саноатида қўлланиладиган кон, транспорт ва тургун машина ва жиҳозларнинг аниқ шариотлар учун рационал кўрсаткичларини белгилаш;
- рудани казиб чиқариш кўрсаткичларини аниқлаш;

- фойдали қазилманинг йўқотилиши ва сифатсизланиши сабабларини аниқлаш;
- рудали конларни очиш схемаларини ишлаб чиқиш;
- карьер майдонини очиш усулини танлаб олиш;
- конларни очиқ усулда қазиб чиқариш тизимларидан фойдаланиш;
- конларни замонавий механизациялар ва замонавий технологиялар ёрдамида қазиб олиш усулларидан фойдаланиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- конларни оқилона қазиб олиш, улардан комплекс фойдаланиш, ер қазирини муҳофазалаш ҳамда кончилик ишларини бехатар олиб боришда маркшейдерлик таъминоти асосида фаолиятни ташкил этиш;
- конларни қазиб олиш ва фойдали қазилмаларни қайта ишлашда қўлланиладиган замонавий жихозлардан фойдаланиш;
- “Қончилик иши” йўналиши мутахассислик фанларини инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- кон массаси ҳажмларини ҳисоблаш;
- кон захираларини ҳисоблаш;
- қазиб олинган руданинг нобудгарчилиги ва сифатининг ҳисобини юритиш;
- қатламли конларни очиб, қазизга тайёрлаш ва қазиб олиш;
- карьерларда юкларни ташин;
- рудали конларни қазизга тайёрлаш;
- карьер майдонини очиш усулини танлаб олиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ҳуқуқ юктамаси ҳафтага 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“Қончилик иши” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

1. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

Инсон онг ва тафаккурининг янгилааниши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашу ва иқтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истикболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард максалимиз”, “Юксак маънавият – энгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий максалимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”, “Она юртимиз бахти икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларининг белгиланиши.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга қиритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари

билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билиминини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар. Меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар бўйича хорижий тажриба.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиб босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахса йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс-стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассинсмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув

лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга таъбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахсларро муносабатларни самарали ташкил этиш ва турухни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали хал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шартлари педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

2.2. Соҳа фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар.

Соҳа фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар. Ривожланган Европа давлатлари, Осиё мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларни соҳа фанларини ўқитишга таъбиқ этиш.

Соҳа фанларининг норматив-ҳукукий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

Соҳа фанлари ривожланишига сўнгги йилда хисса қўшган соҳанинг етуқ олимлари ва улар томонидан яратилган илмий назариялар. Илмий мактаблар, кашфиётлар натижаси. Соҳа фанларини ўқитишда нашр этилган сўнгги ўқув ва илмий адабиётлар таҳлили. Соҳа фанларини ўқитишнинг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифалари.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Zipline.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот муҳитида жамоа

Ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хоризжий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари хақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот маззулари: кундалик хаётга оид (шахсий маълумот, оила хақида маълумот, бун вақтни ўтказиш ва хоказо) ижтимоий хаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган маззулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда сохага оид хоризжий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

У. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

Тизимли тахлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизимли структураси. Тизимли тахлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли тахлилдан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларни тизимли тахлилни амалга ошириш. Тизимли тахлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш методлари. Тизимли тахлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самардорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

5.2. Техникада тизимли тахлил асослари

Техникада тизимли тахлил ва унинг таснифи. Техникада тизим турлари. Техникада тадқиқотлар натижасининг тизимли тахлили. Олинган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишда тизимли ёндашув. Техникада эмпирик илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш технологияси. Техникада тизимли тахлилнинг усул ва моделлари. Техникада маълумотлар тахлили жараёни, натижаларини аниқлаш ва ишончлилигини таъминлаш муаммолари. Техникада тизимларни моделлаштириш натижаларини статистик ишлов бериш хусусиятлари. Техникада математик дастурлаш масалалари ва уларни ечиш усуллари. Техникада чизикли дастурлаш

бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараёни лойихалаштириш. Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

3.2. Сохадаги ахборот-коммуникация технологиялари.

Сохада қўлланиладиган ахборот-коммуникация технологияларининг ўзига хос имкониятлари. Соха бўйича масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Сохада муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Сохада масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимнинг ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Сохада эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар тахлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Соха бўйича курс лойиха ишларини бажаришда қўлланиладиган CAD/CAM/CAE, AutoCAD (КОМПАС) дастурлар.

Сохада Mathcad, Matlab, OPNET Modeler, Edmaw Max дастурлардан фойдаланиш.

Сохада Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралик ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Сохадаги оммавий онлайн очик курслар Coursera, edX, Khan Academy, MIT Open Course Ware).

IV. Амалий хоризжий тил

4.1. Амалий хоризжий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хоризжий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хоризжий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил

масаллари ва уларни ечиш йўллари. Техникада статистик ноаниқликдаги танлов қонуниятларини таҳлил қилиш. Техникада ечимлар қабул қилишда эксперт усуллари ва прогноз элементлари.

VI. Махсус фанлар

6.1. Кончилликда инновацион маркшейдерлик хизмати.

Фойдали қазилма конларини казиб олиш ишларидаги маркшейдерлик хизмати вазибалари. Маркшейдерлик ишининг график хужжатлари. Фойдали қазилма конларини ер ости усулида казиб олишнинг маркшейдерлик тасвирга олиш турлари ва жойлари. Ер ости теодолит йўллари. Ер ости кон лахмларидан ўтишда маркшейдерлик хизмати ва вазибалари. Тасвирга олиш ишларида қўлланиладиган теодолитлар. Фойдали қазилмаларни очик усулда казиб олиш ишларидаги маркшейдерлик хизмати ва вазибалари. Кон лахмларидан ўтишда маркшейдерлик ишлари. Бургилаш ва портлатиш ишларининг маркшейдерлик таъминоти. Кон массаси хажмларини ҳисоблаш. Кон геометрияси. Ер казридан рационал фойдаланишнинг маркшейдерлик таъминоти. Кон захираларини ҳисоблаш. Казиб олинган руданинг нобудгарчилик ва сифатининг ҳисобини юритиш. Кон ишларининг салбий таъсири натижасида Ер сирти ва тоғ жинслари массивларининг силжиши ва деформацияси. Карьер бортлари ва ағдарма отқосларининг устуворлигини таъминлашдаги маркшейдерлик усуллари.

6.2. Фойдали қазилма конларини казиб олишда истиқболли йўналишлар.

Қатламли конларни ер ости усулида казиб олиш технологиясининг асосий тушунчалари. Кон қорхонасининг ер ости лахмлари мажмуи. Шахтанинг ер юзасидаги технологик мажмуи. Шахтанинг технологик схемаси тушунчаси. Қатламли конларни очик, казишга тайёрлаш ва казиб олиш тартиби. Шахта майдонини очишнинг усул ва схемалари. Қатламли конларни казиб олиш тизимлари ва уларнинг қўлланилиш шароитлари, камчиликлари ва афзалликлари. Шахта майдонини казиб олиш билан кон транспорти ва умумшахта шамоллатиш тизимларининг боғлиқлиги. Шахтада зарарли ҳодисаларни олдини олиш тадбирлари.

Рудали конлар тўғрисида умумий маълумотлар. Халқ ҳўжалигида рудали фойдали қазилмаларни казиб олишнинг аҳамияти. Рудали конларни казиб олишни тақомиллаштириш йўллари. Рудани казиб чиқариш кўрсаткичлари. Рудали фойдали қазилмаларни ер ости усулида казиб олишга бўлган талаблар. Рудали конларни очик схемалари ва уларнинг таснифи. Рудали конларни казишга тайёрлаш схемалари. Рудали конларни казиб олиш тизимлари. Казиб олиш тизимини танлашга таъсир этувчи омиллар.

Казиб олишнинг атрофдаги тоғ жинслари массивига таъсири. Казиб олинмаган бўшлиқни тўлдириш усуллари, тартиби ва уларнинг қўлланиш

шароитлари. Бўшлиқни тўлдирувчи қотадиган материаллар, уларнинг мустаҳкамлиги. Казиб олинган бўшлиқни тўлдириш технологияси.

Очик кон ишлари ва унинг моҳияти тўғрисида умумий маълумотлар. Карьернинг асосий параметрлари. Поғона ва унинг элементлари. Очик кон ишларининг таъбий омилларга боғлиқлиги. Кон жинслари ва кон жинсларининг усулда казишга тайёрлаш. Портлатиш усуллари ва кон жинсларининг бургиланувчанлиги. Кон жинсларининг портловчанлиги. Карьерларда казиб-юклаш ишлари тўғрисида умумий маълумотлар. Бир ҳўмичли экскаваторлар қовжойининг параметрлари ва кон массасини казиб-юклаш технологияси. Карьерларда юкларни ташиш. Темир йўл транспорти. Автомобиль транспорти. Карьер автотранспортини ташкил қилиш. Конвейер транспорти. Очик Карьер майдони ва уни очик тўғрисида умумий маълумотлар. Очик усулларининг таснифи. Карьер майдонини очик усулини танлаб олиш. Карьердаги кон ишлари режими тўғрисида умумий маълумотлар. Конларни очик усулда казиб чиқариш тизимлари ва комплекс механизациялаш тўғрисида умумий маълумотлар. Қазиш тизимлари элементлари ва уларнинг параметрлари. Очик усулда кон қазиш тизимлари таснифи. Карьерларда комплекс механизациялаш структурасининг шаклланиши. Комплекс механизациялаш структураси таснифи. Конларни аралаш усулда казиб чиқариш.

6.3. Фойдали қазилмаларни бойитишда истиқболли йўналишлар.

Фойдали қазилмаларни бойитишнинг халқ ҳўжалигидаги ўрни. Boyитишнинг усуллари, жараёни ва операцияларининг таснифи. Boyитишнинг технологик кўрсаткичлари. Boyитиш схемаларининг турлари ва уларни тузиш принциплари. Boyитишнинг технологик кўрсаткичлари. Boyитиш жараёни ва маҳсулотларининг таснифи. Boyитишнинг гравитация усуллари, чўктириш, оғир сувоқликларда бойитиш, концентрацион стол, шлюзларда, винтли ва конусли сепараторларда бойитиш. Boyитишнинг флотация усуллари. Флотация реагентлар ва уларнинг турлари, ишлатилиши ва вазибалари. Флотация схемалари ва машиналари. Магнит ва электрик усулда бойитиш. Boyитишнинг маҳсуслари. Boyитиш маҳсулотларини сувсизлантириш, қуйилтириш, фильтрлаш, қуритиш, чангни ушлаш, оқова сувларни тозалаш. Ер ости бойликларидан комплекс фойдаланиш. Кон ресурсларини комплекс ўзлаштириш.

6.4. Кончиллик машина ва комплекслари.

Кон машиналарининг таснифи, ишлатиш омиллари, технологик схемалари, асосий қисмлари. Қазиш иш жойидаги ускуналарнинг ишлаш схемалари. Фойдали қазилма казиб олувчи машина ва ускуналар. Уларнинг турлари, асосий қисмлари, ишлатиш омиллари, схемалари. Кончиллик ишларида қўлланиладиган бургилаш, казувчи-юкловчи машиналарининг турлари, асосий қисмлари ва унумдорлиги. Тоғ жинсларини казишга тайёрлаш. Қазиш ва юклаш, ташиш, чўкма ҳосил қилиш ва тўдалаш машиналари. Уларнинг турлари, конструктив тузилиши ва параметрлари.

Кон корхоналари юклари ва уларнинг таснифлари. Транспорт машиналарининг умумий таснифлари ва вазибалари. Темир йўл, автомобиль ва конвейер транспортларининг умумий таснифлари. Транспорт машиналари турлари, тузилиши ва ишлатилиш кўлами. Уларнинг иш унумдорлигини аниқлаш. Тургун машиналарни ишлаш принциплари ва асосий кўрсаткичлари, уларни танлаш ва лойиҳалаш. Конларнинг замонавий механизациялаштириш усуллари ва замонавий технологиялари.

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танкидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профилъ кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятчи масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустакил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустакил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустакил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банкчи;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фани ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазибаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустакил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.-176 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.-440 б.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва бунок келажаги йўлида хизмаг қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, барқамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз таълим тизимини дарслиқлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.: 2000. – 218 б.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
3. Давронов Қ. Биотехнология, илмий, амалий ва услубий асослари. Тошкент 2008. Патент пресс нашрети. 504 б.
4. Давронов Қ. Саноат микробиологияси. Тошкент 2013. Фан ва тараққиёт нашрети. 329 б.
5. Давронов Қ., Алиқулов Б.С. Нанобиотехнология асослари 2015. Фан ва тараққиёт нашрети. 304 б.
6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саггаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И.
7. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-ўқувчи бўлиб мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
8. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
10. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
11. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
12. Сагагов Н.Х. Кон иши асослари. Ўқув қўлланма.– Тошкент.: ТДТУ, 2005.–212 б.
13. Умарова И.Л., Солижонова Г.Қ. Фойдали қазилмаларни бойитиш ва

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 2001 йил 17 августдаги 344 - сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабалари ўқинишни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июндаги 1118-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўридошлик асосида ҳамда бир неча қабда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон Қарори.

14. Сагатов Н.Х., Меликулов А.Д., Шамирзаев Х.Х. Фойдали казилма конларини ер ости усулида казиш. Ўқув кўлланма. Тошкент. ТДТУ, 2004.-
15. Сагатов Н.Х., Арипова Л.Т. Очик кон ишлари технологияси ва комплекс механизациялаш, Тошкент. ТДТУ нашриёти. 2012.
16. Самаров Р. (хаммуаллификация) Сийсий матн тахлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент: Академия, 2010. -170 б.
17. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфизлигини таъминлаш механизми (усулбий кўлланма). - Тошкент: Университет, 2015. -95 б.
18. Сагтаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. - Т.: "Академия", 2003. - 70
19. Топилдиев В. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг метёрий-хуқуқий асослари. - Тошкент: "Университет". 2015. - 245б.
20. Dafius M. Dziuda/ Data mining for genomics and proteomics. Canada, 2010. ps-306
21. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
22. Michael McCarthy "English Vocabulary in use". Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
23. Boston, Louis F. Buff. High Grade Engineering, Surveying And Mining Instruments Nabu Press. США 2011
24. William A. Hustrulid, Richard L. Bullock. Underground Mining Methods: Engineering Fundamentals and International Case Studies. Society for Mining США 2012
25. Barry A. Wills, James Finch. Wills' Mineral Processing Technology. Butterworth-Heinemann . Берлин, Германия. 2008
26. Balbir S. Dhillon. Mining Equipment Reliability, Maintainability, and Safety. Springer .США 2010

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.asi.uz.
3. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: www.ictcouncil.gov.uz.
4. ЎзРес.ОЎМТВ хузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
5. [www. Ziyounet. uz](http://www.Ziyounet.uz)
6. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
7. www.press-uz.info

"КЕЛИШИЛГАН":

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Олий таълим муассасалари Бош
бошқармаси

Бошқарма бошлиғи _____ И.У.Мажидов
" _____ " 201_ й.
М.Ў.

"ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН":

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази
Директор _____ У.Ш.Бегимкулов
" _____ " 201_ й.
М.Ў.

Тошкент давлат техника университети

Ректор _____ Р.Х. Сайдахмедов
" _____ " 201_ й.
М.Ў.

Тошкент давлат техника университети
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази
Директор _____ Н.Э. Авезов
" _____ " 201_ й.

